

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХСИМОВ ШАВКАТ СУННАТ ЎҒЛИ

**ТОРТИШ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ
БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ УЧУН ДИАПАЗОНИ АВТОМАТИК
РОСТЛАНУВЧИ ТОК ТРАНСФОРМАТОРЛАРИ**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва
қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (Phd)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (Phd)

Мухсимов Шавкат Суннат ўғли

Тортиш электр таъминоти қурилмаларининг бошқарув тизимлари учун
диапазони автоматик ростланувчи ток трансформаторлари..... 3

Мухсимов Шавкат Суннат угли

Трансформаторы тока с автоматическим регулированием диапазона для
систем управления устройствами тягового электроснабжения..... 19

Mukhsimov Shavkat Sunnat o'g'li

Range automatic adjustable current transformers for the control system of
traction power supply devices 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХСИМОВ ШАВКАТ СУННАТ ЎҒЛИ

**ТОРТИШ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ
БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ УЧУН ДИАПАЗОНИ АВТОМАТИК
РОСТЛАНУВЧИ ТОК ТРАНСФОРМАТОРЛАРИ**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва
қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1111 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Амиров Султон Файзуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуқаюмов Абдурашид Абдуқаюмович
техника фанлари доктори, профессор

Саттаров Хуршид Абдишукурович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**ЎЗР ФА энергетика муаммолари
институту**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Н.Р. Юсупбеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

У.Ф. Мамиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.З. Игамбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда темир йўл транспорти электр таъминоти тизимларида катта тоқларни ўлчаш зарурати темир йўл автоматикаси электр таъминоти қурилмаларини, электр таъминоти тизимларининг истеъмолчилари ва алоҳида қурилмаларини, электротехник жиҳозлар ва аппаратларни синаш, ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш жараёнини назорат қилиш ва бошқаришда юзага келмоқда. Бу борада, тортиш электр таъминоти қурилмаларининг бошқарув тизимлари учун диапазонларининг барча қисмларида ток қийматини юқори аниқликда ўлчай оладиган ток трансформаторларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда темир йўл электр таъминоти қурилмаларининг бошқариш тизимлари аниқлигини ошириш, уларда кенг қўлланиладиган катта тоқларни ўлчаш ўзгартиргичларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларнинг кўп қисмида ток трансформаторларининг ўлчаш диапазонини кенгайтириш масаласига эътибор қаратилган. Бу борада, юқори сезгирлик, аниқлик, ишонччилик, чизиқли ўзгартириш функциясига ва кенгайтирилган функционал имкониятларга эга бўлган диапазони автоматик ростланувчи ток трансформаторларини ишлаб чиқиш ҳамда электр таъминоти узлуксизлигини таъминловчи назорат қилиш ва бошқариш тизимларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда энергетика тизимлари самарадорлигини оширувчи энергия тежамкор технология ва техник воситаларни такомиллаштириш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республика-сини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...транспорт-коммуникация ва социал-инфратузилмавий лойиҳаларни ечишга йўналтирилган фаол инвестицион сиёсат, ... ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, ... ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг тадбиқ этиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан функционал имкониятлари кенгайтирилган, диапазони автоматик ростланувчи янги ток трансформаторлари ва уларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш, чизиқли ва ночизиқ электр ва магнит занжирларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 ноябрдаги ПҚ-3384-сон «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Маҳкамасининг 2020 йил 10 мартдаги ВМҚ-136-сон «2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорли» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электр таъминоти қурилмаларининг назорат ва бошқарув тизимлари учун кенг диапазонли ток трансформаторларини ишлаб чиқиш бўйича долзарб масалаларни ечишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан Istituto Nazionale di Ricerca Metrologica ва University of Campania “Luigi Vanvitelli” (Италия), Worcester Polytechnic Institute, Wright State University, University of Michigan ва University of California (АҚШ), Seoul National University (Жанубий Корея), University Malaysia Perlis (Малайзия), Forschungslaboratorien der Siemens AG (Германия), Universidade Federal de Campina Grande (Бразилия), University of Manitoba (Канада), Электродинамика институти ва Киев автоматика институти (Украина), Миллий тадқиқот университети “МЭИ”, Самара давлат техника университети, Пенза давлат университети, Ульяновск давлат техника университети ва Уфа давлат авиация техника университети (Россия), Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат транспорт университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида кенг диапазонли ток трансформаторларини ривожлантиришга G.Crotti, Alexander E.Emanuel, Y.C.Kang, J.K.Park, N. Kondrath, F.B.Silsbee, P.G.Agnew, A.Papp, U.D.Annakkage, Ю.В.Афанасьев, И.М.Сирота, Б.С.Стогний, Н.И.Бачурин, А.А. Ионов, М.П.Костенко, Л.М.Пиотровский, В.Е.Казанский Г.В.Абрамзон, Г.И.Разин, А.П.Щелкин, Н.Г.Семенов, Ю.А.Гамазов, Ю.А.Андреев, М.А.Шабад, В.Н.Вавин, В.Е.Китаев каби хорижий олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Кенг диапазонли ток трансформаторларини такомиллаштиришга таалуқли илмий муаммоларни ечишга мамлакатимизда М.Ф.Зарипов, А.М.Плахтиев, И.Х.Сиддиқов, С.Ф.Амиров, А.М.Сафаров, Б.Х.Хушбоқов, Н.Е.Балгаев каби олимлар ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ушбу олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан назорат ва бошқарув тизимларида қўлланилаётган ток трансформаторларининг битта ва бир нечта ўзгартириш диапазониغا эга бўлган модификациялари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Мавжуд ток трансформаторларининг ўлчаш диапазонини ўзгартириш учун у уланган занжирни электр таъминоти манбаидан узиш, демонтаж ва монтаж ишларини амалга ошириш талаб этилади. Ҳозирги кунгача замонавий назорат ва бошқарув тизимлари талабларига жавоб берадиган

диапазони автоматик ростланадиган ток трансформаторларини ишлаб чиқишга қаратилган назарий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 3-сон «Темир йўл транспорти учун электромагнит ўлчаш воситаларини такомиллаштириш» (2013-2020) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ток трансформаторларининг функционал имкониятларини улар диапазонини автоматик ростлаш орқали кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тортиш электр таъминоти қурилмалари бошқарув тизимлари томонидан уларда қўлланиладиган ўзгарувчан катта тоқларни ўлчаш ўзгартиргичларига қўйиладиган асосий талабларни ифодалаш;

ўзгарувчан катта тоқларни ўлчовчи мавжуд ўзгартиргичларнинг асосий техник тавсифларини қиёсий таҳлил қилиш, турини танлаш ва асослаб бериш;

диапазони автоматик ростланиши ҳисобига функционал имкониятлари кенгайтирилган ток трансформаторларини яратиш;

диапазони автоматик ростланадиган ток трансформаторларининг математик ва компьютер моделларини ишлаб чиқиш;

диапазони автоматик ростланадиган ток трансформаторларининг асосий тавсифларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тортиш электр таъминоти қурилмаларининг бошқарув тизимлари учун кенг диапазонли ток трансформаторлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети диапазони автоматик ростланувчи ток трансформаторларини ишлаб чиқиш ва уларнинг асосий техник тавсифларини тадқиқ этишни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида йиғиқ ва тарқоқ параметрли занжирларни ҳисоблаш, мунтазам ва тасодифий хатоликларни аниқлаш, параметрик структура схемаси усулларида ва турли физик табиатли занжирлар энергоинформацион моделларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ток трансформаторлари диапазонларини магнит ўзақда ҳосил қилинадиган ўзаро қарама-қарши йўналган магнит юритувчи куч қийматларини автоматик ростлаш ҳисобига кенгайтириш усули ишлаб чиқилган;

диапазонларининг барча қисмларида ток қийматини юқори аниқликда ўлчаш имкониятини бериши ва диапазони автоматик ростланиши билан фарқ қилувчи ток трансформаторларининг паст ва юқори кучланишда ишлашга мўлжалланган конструкциялари ишлаб чиқилган;

ток трансформаторининг ўлчаш диапазонларини автоматик ростлаш имкониятини берувчи ва иш режими магнит ўзақ тўйиниши натижасида иккиламчи чулғамда ҳосил бўладиган кучланишнинг юқори гармоника

ташкил этувчиси қийматини асосий гармоника ташкил этувчиси қийматига нисбатан таққослашга асосланган схема ишлаб чиқилган;

диапазони автоматик ростланувчи ток трансформаторининг статик ва динамик тавсифларини тадқиқ этиш имкониятини берувчи уларнинг ферромагнит ўзак асосий магнитланиш эгри чизиги ночизиклигини, ўзакдаги актив исрофларни ҳамда юклама характерини ҳисобга олиш имконияти мавжудлиги билан фарқ қилувчи математик ва компьютер моделлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган илмий натижалар асосида диапазони автоматик ростланувчи ток трансформаторларининг статик ва метрологик тавсифларини тадқиқ этиш учун уларнинг параметрик структура схемалари ишлаб чиқилган;

юқори аниқликка ва кенг ўзгартириш диапазони эга бўлган ҳамда диапазони автоматик ростланувчи ток трансформатори ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги электр ва магнит майдонларининг асосий қонунлари, назариялари ҳамда ҳисоблаш усулларини асосли равишда қўллаш, шунингдек назарий ва экспериментал натижаларнинг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яратилган ўзгартириш диапазони автоматик ростланувчи ток трансформатори математик моделлари улардаги электр ва магнит занжирлари параметрлари, бирламчи ток шакллари ва ферромагнит материал магнитланиш эгри чизигининг ночизиклигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти магнит материали магнитланиш асосий эгри чизигининг ночизиклигини инобатга олувчи ночизик занжирларни ҳисоблаш усулини такомиллаштирилгани ва ишлаб чиқилган параметрик структура схемалари ўзгартириш диапазони автоматик ростланувчи ток трансформаторлар техник тавсифларини яхшилагани ва уларни лойиҳалаш вақтини қисқартиришни таъминлаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тортиш электр таъминоти қурилмаларининг бошқарув тизимлари учун диапазони автоматик ростланувчи ток трансформаторлари ва уларнинг электромагнит занжирларини такомиллаштирилган ҳисоблаш усули асосида:

диапазонларининг барча қисмларида ток қийматини юқори аниқликда ўлчаш имкониятини бериши ва диапазони автоматик ростланиши билан фарқ қилувчи ток трансформатори «Тошкент» электр таъминоти дистанциясига қарашли «Чуқурсой» тортувчи нимстанциясида жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2021 йил 11 мартдаги 01/909-21-сон маълумотномаси). Натижада, кенг ўзгартириш диапазонида аниқлиги юқори бўлган ишлаб чиқилган ўзгартириш диапазони автоматик ростланувчи ток трансформатори тортиш электр таъминоти тизимидаги катта тоқларни 7% юқори аниқликда ўлчаш имконини берган;

катта тоқларни ўзгартирувчи, диапазони автоматик ростланувчи ток трансформаторлари учун ишлаб чиқилган математик моделлар ва ўзгартириш диапазони автоматик ростланувчи ток трансформатори магнит

материали асосий магнитланиш эгри чизигининг ночизиклигини инобатга олиш усули «Тошкент» электр таъминоти дистанциясининг «Чукурсой» тортиш нимстанциясида жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2021 йил 11 мартдаги 01/909-21-сон маълумотномаси). Натижада, яратилган ўзгартириш диапазони автоматик ростланувчи ток трансформаторлари қўлланилган тортиш электр таъминоти қурилмалари бошқариш тизимининг аниқлигини 2% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, масаланинг ҳолати ёритилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, ишнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, диссертация тадқиқоти натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши кўрсатилган.

“Масаланинг ҳолати ва тадқиқот вазифаларининг қўйилиши” номли биринчи бобда тортиш электр таъминоти қурилмалари бошқарув тизимлари таҳлил қилинди. Натижада, уларда фойдаланиладиган ўзгарувчан катта тоқларни ўлчовчи ўлчаш ўзгартиргичлари кенгайтирилган функционал имкониятларга, ўлчаш диапазони бўйича юқори сезгирликка, аниқликка ва чизикли ўзгартириш функциясига ҳамда экстремал эксплуатация шароитларида стабил характеристикаларга эга бўлиши лозимлиги аниқланди. Ўзгарувчан катта тоқларни ўлчаш ўзгартиргичлари асосий тавсифларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, тортиш электр таъминоти қурилмалари бошқарув тизимлари талабларига маълум даражада кўп чегарали ток трансформатор(ТТ)лари жавоб беради. Аммо уларнинг умумий камчилиги шундан иборатки, ўзгартириш чегарасини ўзгартириш зарурати юзага келганда токи назорат қилинаётган тортиш электр таъминоти қурилмаси электр энергияси манбаидан ажратилиб, яъни ишлаб чиқариш ёки технологик жараён мажбурий тўхтатилиб, демонтаж ва монтаж ишлари бажарилишини талаб этади. Бу эса тортиш электр таъминоти тизимида, шу жумладан

электрлашган темир йўлларда электр ҳаракат таркиблари иш фаолиятида кўзда тутилмаган, мажбурий узилишларни юзага келтиради.

Кейинги илмий изланишлар тортиш электр таъминоти қурилмалари бошқарув тизимлари самадорлигини оширишга хизмат қилувчи диапазони автоматик ростланадиган ток трансформатор(ДАРТТ)ларини яратиш, яшаш ва уларнинг асосий тавсифларини назарий ҳамда экспериментал тадқиқ этиш йўналишида олиб борилиши лозимлиги аниқланди.

Адабиёт манбаларининг таҳлили натижалари ва қўйилган мақсадга мувофиқликдан келиб чиқиб, тадқиқотнинг асосий вазифалари белгиланди.


“Диапазони автоматик ростланадиган ток трансформаторлари конструкцияларини такомиллаштириш” номли иккинчи бобда техник ижодиётнинг энергия-ахборот усули ТТларини дастлабки лойиҳалаш имкониятларини кенгайтириши, улар структурасини тузиш ва скелет конструкциясини танлаш жараёнларини автомалаштириш имкониятини бериши кўрсатилди ҳамда ушбу усул асосида ДАРТТларининг конструкциялари таклиф этилди.

ТТларининг асосий элементлари бўйича уларнинг морфологик матрицаси ишлаб чиқилди. Ушбу матрица нафақат қўйилган мақсадга мос келувчи (эксплуатацион тавсифларининг қийматлари талаб даражасида бўлган) ТТлари конструкцияларини танлаш, балки уларнинг конструкцияларига оид маълумотлар базасини шакллантириш имкониятини бериши аниқланди.

ТТлари ўзгартириш диапазонларини кенгайтириш ва ростлашга оид аниқланган умумлашган усуллар таҳлили шуни кўрсатдики, ўзгартириш диапазонини автоматик ростлашда магнит ўтказгич магнит қаршилиги қийматини ўзгартириш, магнит занжирида ўзаро қарама-қарши йўналган магнит юритувчи куч(МЮК) ҳосил қилиш, бирламчи ёки(ва) иккиламчи чулғамлар ёки магнит ўтказгич ўрамлари сонини ўзгартириш ҳамда ТТ бирламчи токи бир қисмини шунтлаш каби умумлашган усуллар ёрдамида амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги аниқланди.


ТТларининг ўзгартириш диапазони иккиламчи ток таркибидаги учинчи гармониканинг улушига кўра автоматик ростланадиган (1- расм, а ва б) ва ферромагнит ўзакдаги ишчи магнит оқимининг қиймати бирламчи токнинг қийматига кўра автоматик ростланадиган конструкциялари ишлаб чиқилди. 1- расм, а даги ДАРТТда ўзгартириш диапазонини кенгайтириш ва уни ростлаш ферромагнит ўзакда бирламчи ток ҳисобидан ўзаро қарама-қарши бўлган МЮК ларни пайдо қилиш ва улар фарқини автоматик ростлаш, 1- расм, б даги ДАРТТда эса ферромагнит ўзак ўраб турган асосий шинадан ўтаётган бирламчи ток қийматини коммутация элементлари орқали унга ёрдамчи шина(шунт)ларни параллел улаш орқали ўзгартириш билан амалга оширилади.

ДАРТТлар диапазонини автоматик ростлаш схемаси 2- расмда келтирилган. ДАРТТнинг битта, масалан бошланғич диапазонда диаметрал



1- расм. ДАРТТ конструкциялари: а): 1, 2 – металл ҳалқасимон элементлар; 3, 4 – ҳалқасимон элементларни диаметрал уловчи металл туташтиргичлар; δ_1, δ_2 – ҳалқасимон элементларнинг қарама-қарши учларида қолдирилган ҳаво оралиқлари; 5 – ҳалқасимон элементларни ўзаро бир-биридан изоляцияловчи диэлектрик материал; 6, 7 - марказий туташтиргичларни ўраб олган ферромагнит берк ўзак ва унда бир текис ўралган иккиламчи чулғам; 8 - бирламчи ток шинаси уланадиган айланаларнинг чети бўйлаб диаметрал жойлашган қисмалар; б): 1 - тороидал ферромагнит ўзак; 2 - иккиламчи чулғам; 3 – асосий бирламчи шина; 4-7 - ёрдамчи шина(шунт)лар; $K_2 \div K_5$ – коммутацияловчи элементлар

туташтиргичларда тоқлар фарқи (1- расм, а даги ДАРТТда) ёки асосий шинадаги бирламчи ток (1- расм, б даги ДАРТТда) ҳисобидан ферромагнит



2- расм. ДАРТТ ўзгартириш диапазонини автоматик ростлаш қурилмасининг блок-схемаси: 9, 10 – ДАРТТ иккиламчи чулғамининг чиқишларига уланган мос равишда асосий(биринчи) ва учинчи гармоника филтрлари; 11, 12, 13, – таққослаш блоклари; 14, 15 ва 16 – коммутацион элементлар; 17 – тузатиш коэффиценти блоки

ўзакда ҳосил бўлган магнит оқими таркибидаги учинчи гармониканинг улуши ўзакда тўйиниш жараёнининг бошланиши билан аввалдан белгиланган қийматидан ортса, у ҳолда автоматик тизим коммутация элементлари ёрдамида ТТ ни кейинги ўзгартириш диапазонига ўтказди,

яъни ўзгартириш диапазони автоматик равишда ростланади. Бу эса, биринчидан, ТТнинг кенг ўзгартириш диапазонида юқори аниқликни сақлаш имконини яратади, иккинчидан, электр таъминоти тизимини узлуксиз ишлашини таъминлайди, учинчидан ТТ ни юқори кучланиш занжиридан демонтаж ҳамда қайта монтаж қилишни олдини олади.

“Диапазони автоматик ростланадиган ток трансформаторларининг математик ва компьютер моделлари” номли учинчи боб ДАРТТнинг математик ва компьютер моделларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Таклиф этилган ДАРТТ нинг қуйи диапазонида иккиламчи токнинг қиймати диаметрал туташтиргичлардан бир томонга ўтувчи бирламчи токнинг ташкил этувчилари ҳосил қилган МЮК ($U_{\mu 1}$)га, ўрта ва юқори диапазонларидаги иккиламчи токнинг қийматлари эса диаметрал туташтиргичлардан ўзаро қарама-қарши йўналишда ўтувчи бирламчи токнинг ташкил этувчилари ҳосил қилган МЮКларнинг айирмаси ($\Delta U_{\mu 1}$)га боғлиқ равишда ўзгаришини ҳисобга олиб, ушбу МЮКларнинг ҳалқасимон элементлар қаршиликлари орқали ифодалари қуйидагича ҳосил қилинди:

$$U_{\mu 1} = I_1, \quad (1); \quad \Delta U_{\mu 1} = \frac{R''_{\Sigma}(Q_M) - R'_{\Sigma}(Q_M)}{R''_{\Sigma}(Q_M) + R'_{\Sigma}(Q_M)} I_1 = k_T I_1, \quad (2)$$

бу ерда $k_T = [R''_{\Sigma}(Q_M) - R'_{\Sigma}(Q_M)] / [R''_{\Sigma}(Q_M) + R'_{\Sigma}(Q_M)]$ – тузатиш коэффиценти; $R'_{\Sigma}(Q_M) = R'_{\Sigma 10} + \Delta R'_{\Sigma}(Q_M)$, $R''_{\Sigma}(Q_M) = R''_{\Sigma 10} + \Delta R''_{\Sigma}(Q_M)$, $R'_{\Sigma 10} = R''_{\Sigma 10} = R_d = \rho \frac{l_d}{S_d} - 1$ ва 2 ҳалқасимон элементларнинг мос равишда умумий ва диаметрал туташтиргичларининг электр қаршиликлари, $[\Omega]$; $\Delta R'_{\Sigma}(Q_M) = K_{Q_M R'_{\Sigma 1}} Q_M = \rho \frac{\pi r Q_M}{180^0 S_a}$; ва $\Delta R''_{\Sigma}(Q_M) = K_{Q_M R''_{\Sigma 1}} (Q_{M.max} - Q_M) = K_{Q_M R''_{\Sigma 2}} (180^0 - Q_M) = \rho \frac{\pi r_a (180^0 - Q_M)}{180^0 S_a}$ – механик бурчак силжиш ва ҳалқасимон элементлар айлана қисмлари электр қаршиликлари орасидаги занжирлараро физик-техник эффект (ФТЭ), $[\Omega]$; $K_{Q_M R'_{\Sigma 1}} = K_{Q_M R''_{\Sigma 1}} = \rho \frac{\pi r_a}{180^0 S_a}$ – занжирлараро ФТЭ коэффицентлари, $[\Omega/\text{deg}]$; $0 \leq Q_M < 90^0$, $Q_{M.max} = 180^0$ – механик бурчак силжиш ва унинг максимал қиймати, $[\text{deg}]$; ρ – ҳалқасимон элемент материалининг солиштира электр қаршилиги, $[\Omega \cdot m]$; S_a , r_a , S_d , l_d – ҳалқасимон элемент айлана қисмлари ва диаметрал туташтиргичларининг мос равишда кўндаланг кесим юзаси, радиуси ва узунлиги, $[m^2]$; $[m]$.

Масалан, $Q_{M.ўрта} = 48^0$ ва $Q_{M.юқори} = 69^0$ бўлганда ўрта ва юқори диапазонлар учун қуйидагиларга эга бўламиз:

$$\Delta U_{\mu 1.ўрта} = \frac{0,47 R_a}{R_a + R_d} I_1, \quad (3); \quad \Delta U_{\mu 1.юқори} = \frac{0,234 R_a}{R_a + R_d} I_1. \quad (4)$$

Шундай қилиб, (1)-(4) аналитик ифодалар диапазони автоматик ростланувчи ТТ асосий характеристикаларини тадқиқ этишда зарур бўлган унинг бирламчи занжирининг математик моделларини ифодалайди.

ДАРТТнинг ферромагнит ўзак асосий магнитланиш эгри чизиғи ночизиклигини (ферромагнит ўзак магнит сиғими $C_{\mu \Sigma}$ орқали), ўзакдаги актив исрофни (ферромагнит ўзакда ҳосил бўладиган уярмавий тоқлар

йўлидаги электр ўтказувчанлик $G_3 = R_\mu$ орқали) ва юклама характери (юклама актив қаршилиги $R_{3н}$ ва индуктивлиги $L_{3н}$ орқали) ҳисобга олган ҳолда ҳосил қилинган математик модели қуйидаги кўринишга эга:

$$\dot{I}_{32} = \frac{j\omega w_1 w_2 k_T C_{\mu\Sigma}(I_{31})}{[(R_{32} + R_{3н}) + j\omega(L_{32} + L_{3н})](1 + j\omega R_\mu C_{\mu\Sigma})} \dot{I}_{31}, \quad (5)$$

бу ерда $w_1 = 1$, w_2 – мос равишда бирламчи ва иккиламчи чулғамлар ўрамлари сони, $[-]$; $C_{\mu\Sigma} = C_{\mu min} + \frac{C_{\mu max} - C_{\mu min}}{2}$, $C_{\mu min}$, $C_{\mu max}$ – ферромагнит ўзак магнит сифимининг мос равишда ўртача, минимал ва максимал қийматлари, $[H]$; R_{32} , $L_{32} = w_2^2 C_{\mu\Sigma}$ – иккиламчи чулғамнинг мос равишда актив қаршилиги ва индуктивлиги, $[\Omega]$, $[H]$; ω – ток бурчак частотаси, $[s^{-1}]$; $C_{\mu\Sigma}(I_{31}) = K_{U_\mu K_0} + K_{U_\mu K_1} (0,05 k_T I_{31})^2 + K_{U_\mu K_2} (0,05 k_T I_{31})^4$ – ферромагнит ўзак магнит сифимининг магнитланиш эгри чизиғи нозизиқлиги таъсирида ўзгаришини кўрсатувчи функция, $[H]$; $K_{U_\mu K_0} = a_1 \frac{S_\mu}{l_\mu}$, $[H]$; $K_{U_\mu K_1} = a_3 \frac{S_\mu}{l_\mu^3}$, $[\frac{T \cdot m^2}{A^3}]$; $K_{U_\mu K_2} = a_5 \frac{S_\mu}{l_\mu^5}$, $[\frac{T \cdot m^2}{A^5}]$; a_1 , a_3 , a_5 – аппроксимация коэффициентлари, $[\frac{T \cdot m}{A}]$; $[\frac{T \cdot m^3}{A^3}]$; $[\frac{T \cdot m^5}{A^5}]$.

ДАРТТ учун ишлаб чиқилган компьютер модели ёрдамида ферромагнит ўзак материали тўйинишга борганда, автоматик тизим орқали иккиламчи чулғамда ҳосил бўладиган токнинг асосий ва учинчи гармоника қийматларини таққослаб, ток трансформаторини мос диапазонга автоматик ростлаш мумкин. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқилган компьютер модели ДАРТТ автоматик бошқарув тизимининг ишлаш принципи бўйича олдиндан қўйилган назарий ва илмий мулоҳазаларни тасдиқлашини кўрсатди.

Ток трансформатори компьютер модели сифатида фойдаланилган Saturable Transformer блокининг параметрлар созиламасида магнит материалнинг магнитланиш характеристикаси қийматларини киритиш имконияти мавжудлиги ток трансформатори иккиламчи токиннинг аниқ қийматларини олиш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида, ДАРТТ статик ва динамик режимларини аналитик тенгламалар асосида тадқиқ этиш натижалари билан солиштириш имконини беради.


Диссертация ишининг “**Диапазони автоматик ростланадиган ток трансформаторининг асосий тавсифлари**” номли тўртинчи боби ДАРТТнинг статик ва динамик тавсифлари, хатолиги ва ишончилигини тадқиқ этишга бағишланган.

ДАРТТ статик характеристикасининг аналитик ифодаси қуйидаги кўринишда ҳосил қилинди:


$$\dot{I}_{32} = \frac{\omega w_1 w_2 k_T [K_{U_\mu K_0} + K_{U_\mu K_1} (0,05 k_T I_{31})^2 + K_{U_\mu K_2} (0,05 k_T I_{31})^4] e^{j\varphi}}{\sqrt{[(R_{32} + R_{3н})^2 + \omega^2 (L_{32} + L_{3н})^2] (1 + \omega^2 R_\mu^2 C_{\mu\Sigma}^2)}} \dot{I}_{31}. \quad (6)$$

бу ерда $\varphi = 90^\circ + \psi_{I_1} - \text{Arctg} \frac{\omega(L_{\Sigma 2} + L_{\Sigma H})}{(R_{\Sigma 2} + R_{\Sigma H})} - \text{Arctg}(\omega R_{\mu} C_{\mu \Sigma})$ - иккиламчи ва бирламчи тоқлар орасидаги фаза силжиш бурчаги, [deg]; ψ_{I_1} - бирламчи тоқнинг бошланғич фазаси, [deg].

ДАРТТ статик тавсифининг тенгламаси (6) ва унинг асосида қуйи, ўрта ва юқори ўзгартириш диапазонлари учун қурилган графиклари (3, 4- расм) таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар бир ўзгартириш диапазонида бирламчи тоқнинг максимал қийматига иккиламчи тоқнинг бир хил қиймати мос келади.



3- расм. ДАРТТ статик тавсифлари: 1, 2 ва 3 графиклар – мос равишда қуйи, ўрта ва юқори ўзгартириш диапазонлари учун; узлуксиз эгри чизиклар – назарий, узлукли эгри чизиклар – экспериментал ва нуктали чизиклар компьютер модели асосида



4- расм. ДАРТТ жорий ва ўртача ўзгартириш коэффициентларининг бирламчи тоққа боғлиқлик эгри чизиклари: 1, 2 ва 3 – мос равишда қуйи, ўрта ва юқори ўзгартириш диапазонлари учун

Идеал режимда ишлаётган ДАРТТ ўзгартириш коэффициенти тузатиш коэффициенти (k_T) ни ТТ номинал трансформация коэффициенти (k_H) га кўпайтмасига тенг бўлиши аниқланди:

$$K_{\Sigma \text{ ў. ж.}} = K_{\Sigma \text{ ў. ў.}} = \frac{w_1 w_2 k_T C_{\mu \Sigma}}{L_{\Sigma 2}} = k_T \frac{w_1 w_2^2 C_{\mu \Sigma}}{w_2 L_{\Sigma 2}} = k_T \frac{w_1}{w_2} = k_T k_H. \quad (7)$$

Таклиф этилган ДАРТТ динамик хоссаларини ўрганиш мақсадида унинг киришига турли хил қонуният билан ўзгарувчи бирламчи тоқ берилганда иккиламчи тоқ вақт бўйича ўзгаришининг аналитик тенгламалари ҳосил қилинди ва улар ташкил этувчиларининг вақт диаграммалари олинди. Масалан, ДАРТТ бирламчи тоқи энг умумлашган кўринишдаги сўнувчи синусоида бўйича ўзгарганда ўткинчи иккиламчи тоқ қуйидаги аналитик ифода асосида ўзгариши аниқланди:

$$i_2(t) = \frac{(T - T_2) k_T I_{m1} e^{-\frac{t}{T_1}} \omega \sin(\omega t + \psi_{I_1} + \varphi_1)}{\sqrt{(\omega T + T/T_1^2 2\omega)^2 + (1 - T/T_1)^2}} +$$

$$\begin{aligned}
& + \frac{(T - T_2)k_T I_{m1} e^{-\frac{t}{T_1}} (1/T_1) \sin(\omega t + \psi_{I_1} + \varphi_2)}{\sqrt{(\omega T + T/T_1^2 2\omega)^2 + (1 - T/T_1)^2}} - \\
& - \frac{(T - T_2)k_T I_{m1} e^{-\frac{t}{T}} \omega T_1 \sin(\psi_{I_1} + \varphi_3)}{\sqrt{(T_1 - T)^2 + \omega^2 T_1^2 T^2}} - \\
& - \frac{(T - T_2)k_T I_{m1} e^{-\frac{t}{T}} \sin(\psi_{I_1} + \varphi_4)}{\sqrt{(T_1 - T)^2 + \omega^2 T_1^2 T^2}} + i_0(0) e^{-\frac{t}{T}} = \\
& = i_{21}(t) + i_{22}(t) - i_{23}(t) - i_{24}(t) + i_{20}(t), \tag{8}
\end{aligned}$$


бу ерда $\varphi_1 = \arctg[(1 - T/T_1)/(\omega T + T/T_1^2 2\omega)]$; $\varphi_2 = \arctg[(\omega T + T/T_1^2 2\omega)/[(T/T_1) - 1]]$; $\varphi_3 = \arctg[(T_1 - T)/\omega T_1 T]$; $\varphi_4 = \arctg[\omega T_1 T / (T - T_1)]$; $T_1, T = (L_{\text{э0}} + L_{\text{э2}})/R_{\text{э2}}$, $T_2 = (L_{\text{э2}} + L_{\text{эН}})/(R_{\text{э2}} + R_{\text{эН}})$ – мос равишда бирламчи ток, иккиламчи ток ва магнитланиш чулғамлари орқали вужудга келган контур ҳамда иккиламчи ток занжирининг вақт доимийлари, [С]; $L_{\text{э0}}$ – магнитловчи ток занжирининг индуктивлиги, [Н].

(8) тенглама ва унинг асосида ўткинчи жараён бошланиш momentiда $i_0 = 0$ ($t = 0$ да ДАРТТ ферромагнит ўзагидаги қолдиқ индукция нолга тенг), деб олинган ҳолат учун қурилган вақт диаграммалари (5- расм) таҳлили шуни кўрсатадики, ДАРТТ бирламчи токи энг умумлашган сўнувчи синусоида кўринишида ўзгарганда иккиламчи ток иккита мажбурий аperiодик сўнувчи синусоидал ($i_{21}(t)$, $i_{22}(t)$) ва учта эркин аperiодик ташкил этувчилар ($i_{23}(t)$, $i_{24}(t)$, $i_{20}(t)$) йиғиндисидан иборат бўлиб, улар қийматларининг вақт бўйича ўзгариши бирламчи ва иккиламчи чулғамлар ҳамда иккиламчи ва магнитланиш чулғамлари орқали вужудга келган контурларнинг вақт доимийлари қийматлари билан аниқланади.

ДАРТТ нинг қуйи, ўрта ва юқори диапазонлари учун (8) асосида қурилган иккиламчи ток вақт диаграммаларининг таҳлили шуни кўрсатадики (6- расм), ишлаб чиқилган ДАРТТ да ўзгартириш диапазонининг ортиши билан бирламчи ток аperiодик ташкил этувчиларининг ток трансформатори ишига таъсири камайиб боради. Шунингдек, ТТ юқори чегарасини кенгайтириш мақсадида ўзакда ўзаро қарама-қарши йўналган МЮКнинг вужудга келиши бир вақтнинг ўзида ТТ нинг динамик иш режимида бирламчи токнинг аperiодик ташкил этувчилари таъсирида вужудга келадиган хатоликни камайишига олиб келади.


ДАРТТлар хатолик манбаларини параметрик структура схемалари усули ёрдамида аниқлаш ва таҳлил этиш шуни кўрсатдики, ташки ўзгарувчан ва ўзгармас магнит майдонлари, ферромагнит масса таъсири ҳамда ҳароратнинг нормал қийматларидан оғиши тадқиқ этилаётган ДАРТТда аддитив ва мультипликатив хатоликлар мунтазам ва тасодифий ташкил этувчиларининг манбалари ҳисобланади. ДАРТТ ток ва бурчак хатоликларини аниқлаш учун ҳосил қилинган формулалар таҳлили шуни кўрсатадики, агар ТТ чулғамлари ўрамларининг сонлари нисбати билан аниқланувчи трансформация

коэффициенти ($k_{\text{ўрам}}$) унинг номинал трансформация коэффициенти ($k_{\text{н}}$)га тенг бўлса, у ҳолда ТТнинг ток хатолиги доим манфий бўлади.



а)

5- расм. ДАРТТ бирламчи токи сўнувчи синусоида кўринишида ўзгарганда иккиламчи токнинг вақт диаграммалари




б)

6- расм. ДАРТТ турли диапазонлар учун иккиламчи токнинг вақт диаграммалари: $T_1 = 0,05 \text{ s}$, $T_2 = 0,016 \text{ s}$, $T = 1,0 \text{ s}$, $\psi_{I_1} = 30^\circ$

ДАРТТ юкламасининг турли қийматлари учун қурилган ток ва бурчак хатоликларини бирламчи токка боғлиқлик графиклари таҳлили шуни кўрсатадики (7- расм, а ва б), бирламчи ток $(0,15 \div 1,2)I_{1\text{н}}$ оралиғида (бу ерда $I_{1\text{н}}$ - бирламчи токнинг номинал қиймати), юклама тўла қаршилиги ($z_{\text{ю}}$) эса $0,5z_{\text{ю.н}}$, $z_{\text{ю.н}}$ ва $3z_{\text{ю.н}}$ (бу ерда $z_{\text{ю.н}}$ – юкламанинг номинал қиймати) қийматларда ўзгарганда, ток ва бурчак хатоликларининг қийматлари деярли ўзгармайди (мос равишда $-0,5 \%$ ва $30' \div 40'$ атрофида сақланиб қолади); бирламчи ток $0,05I_{1\text{н}}$ қийматда ва юклама юқорида қайд этилган қийматларда бўлганда, ток хатоликлари мос равишда $-1,2 \%$, $-1,5 \%$, ва $-3,5 \%$ гача, бурчак хатоликлари эса мос равишда $120'$, $180'$ ва $270'$ гача ортади.

Ўтказилган тадқиқотлар ва илмий адабиётлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ДАРТТ хатоликларини қуйидаги усуллар ёрдамида камайтириш мақсадга мувофиқлиги аниқланди: 1) ферромагнит ўзак асосий магнитланиш эгри чизигининг чизиқли қисмини магнит шунт ёки ўзакда махсус ҳосил қилинган тешиқларга ўралган компенсацияловчи чулғамдан фойдаланиш ҳисобига узайтириш; 2) ўзакни қўшимча магнитлаш; 3) иккиламчи чулғам ўрамлар сонига тузатма киритиш.



7- расм. ДАРТТ юкласининг турли қийматлари учун қурилган ток (а) ва бурчак (б) хатоликларини бирламчи токка боғлиқлик графиклари

Тадқиқот ишида таклиф этилган ДАРТТ ишончилигини баҳолашда ишдан чиқмаслик эҳтимоли $P(t)$, ишдан чиқиш эҳтимоли $Q(t)$, ишдан чиқиш частотаси $a(t)$, ишдан чиқиш интенсивлиги $\lambda(t)$ ва ишдан чиқмаслик ўртача вақти T каби баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланилди. Шу билан бирга, баҳолаш аниқлиги юқори бўлишини таъминлаш мақсадида қурилма барча элементларининг ишдан чиқиш интенсивлиги $\lambda(t)$ бўйича маълумотлар ҳам инобатга олинди.

ДАРТТ учун чулғамлар орасидаги изоляция мустаҳкалиги бўйича ишдан чиқмаслик эҳтимоли ёрдамида қуйидаги ишончилилик кўрсаткичлари аниқланди: ишдан чиқмаслик эҳтимоли $P = 0,95$; ишдан чиқмаслик ўртача вақти $T = 10,2$ йил. ДАРТТ ишончилигини аниқлашда унинг бир қанча параметрларини қамраб олиш орқали ишончилиқнинг янада аниқ қийматларига эришилди.

Тортиш электр таъминоти қурилмаларининг бошқарув тизимлари учун ишлаб чиқилган ДАРТТни амалиётда қўллаш ўлчаш аниқлигини ошириш имконини берди. Қутилаётган иқтисодий самарадорлик 145,051 млн. сўмни ташкил этди.

Диссертация иловаларида турли физик табиатга эга занжирлар энергоинформацион моделларининг асосий мезонлари ва параметрик структура схемалари аппаратининг элементлари, диапазони автоматик ростланувчи ток трансформаторлари характеристикаларини тадқиқ этишда фойдаланилган физик-техник эффектлар ва параметрлар маълумотлари, шунингдек диссертация натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш акти ва маълумотномаси келтирилган.

ХУЛОСА

1. Тортиш электр таъминоти қурилмалари бошқарув тизимларининг таҳлили шуни кўрсатдики, уларда фойдаланиладиган ўзгарувчан катта токларни ўлчовчи ўлчаш ўзгартиргичлари кенгайтирилган функционал имкониятларга,

юқори сезгирлик, аниқликка ва ўзгартириш диапазони бўйича чизиқли ўзгартириш функциясига ҳамда экстремал шароитларда стабил характеристикаларга эга бўлиши лозимлиги аниқланди.

2. Ўзгарувчан катта тоқлар ўлчаш ўзгартиргичлари асосий тавсифларининг қийсий таҳлили натижасида тортиш электр таъминоти қурилмалари бошқарув тизимлари талабларига маълум даражада кўп чегарали ток трансформаторлари жавоб бериши аниқланди.

3. Ўлчаш диапазони иккиламчи ток таркибидаги учинчи гармониканинг улушига ва ферромагнит ўзакдаги ишчи магнит оқимининг қийматига кўра автоматик ростланадиган ток трансформаторларининг янги конструкциялари ишлаб чиқилди.

4. Диапазони автоматик ростланадиган ток трансформаторларининг ферромагнит ўзак асосий магнитланиш эгри чизиғи ночизиқлигини, ўзакдаги актив исрофларни ва юклама характерини ҳисобга олган ҳолда математик ва компьютер моделлари ишлаб чиқилди.

5. Диапазони автоматик ростланадиган ток трансформаторлари учун ҳосил қилинган статик тавсиф тенграмаси ва унинг асосида қурилган графиклар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар бир ўзгартириш диапазонида бирламчи токнинг максимал қийматига иккиламчи токнинг бир хил қиймати мос келади. Идеал режимда ишлаётган бундай ток трансформаторларининг ўзгартириш коэффициенти бирламчи чулғамидаги тоқлар фарқини белгиловчи тузатиш коэффицентини номинал трансформация коэффицентига кўпайтмасига тенг бўлиши аниқланди.

6. Диапазони автоматик ростланадиган ток трансформаторларининг бирламчи тоқи сўнувчи синусоида кўринишида ўзгарганда иккиламчи ток иккита мажбурий апериодик сўнувчи синусоидал ва учта эркин апериодик ташкил этувчилар йиғиндисидан иборат бўлиб, улар қийматларининг вақт бўйича ўзгариши бирламчи ва иккиламчи чулғамлар ҳамда иккиламчи ток ва магнитланиш чулғамлари орқали вужудга келган контурнинг вақт доимийлари катталиклари билан аниқланади.

7. Диапазони автоматик ростланадиган ток трансформаторларининг бирламчи тоқи $(0,15 \div 1,1)I_{1н}$ оралиғида, юклама тўла қаршилиғи (z_n) эса $0,5z_{ю.н.}$, $z_{ю.н.}$ ва $3z_{ю.н.}$ қийматларда ўзгарганда, ток ва бурчак хатоликларининг қийматлари деярли ўзгармайди. Бирламчи ток $0,05I_{1н}$ қийматда ва юклама юқорида қайд этилган қийматларда бўлганда, ток хатоликлари мос равишда $-1,2\%$, $-1,5\%$, ва $-3,5\%$ гача, бурчак хатоликлари эса мос равишда $120'$, $180'$ ва $270'$ гача ортиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МУХСИМОВ ШАВКАТ СУННАТ УГЛИ

**ТРАНСФОРМАТОРЫ ТОКА С АВТОМАТИЧЕСКИМ
РЕГУЛИРОВАНИЕМ ДИАПАЗОНА ДЛЯ СИСТЕМ УПРАВЛЕНИЯ
УСТРОЙСТВАМИ ТЯГОВОГО ЭЛЕКТРОСНАБЖЕНИЯ**

**05.01.06 – Элементы и устройства вычислительной техники и систем
управления**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/T1111.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Амиров Султон Файзуллаевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Абдуқаюмов Абдурашид Абдуқаюмович доктор технических наук, профессор Саттаров Хуршид Абдишукурович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Институт энергетических проблем АН РУз

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано №__). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2021 года).

Н.Р. Юсупбеков
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

У.Ф. Мамиров
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Х.З. Игамбердиев
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире необходимость измерения больших токов в системах электроснабжения железнодорожного транспорта возникает при контроле и управлении устройствами электроснабжения железнодорожной автоматики, потребителей систем электроснабжения и отдельных устройств систем электроснабжения, электротехнического оборудования и аппаратов, процессе учета произведенной и потребленной электроэнергии. В связи с этим большое значение приобретает разработка трансформаторов тока, способных с высокой точностью измерять величину тока во всех частях диапазона, для систем управления устройствами тягового электроснабжения.

Во всем мире ведутся исследования, направленные на создание систем управления устройствами электроснабжения железных дорог, а также широко используемых в них измерительных преобразователей больших токов. Большая часть этих исследований была сосредоточена на расширении диапазона измерения трансформаторов тока. В связи с этим одной из важных задач является разработка трансформаторов тока с автоматическим регулируемым рабочим диапазоном преобразования, с высокой чувствительностью, точностью, надежностью, функцией линейного преобразования и расширенными функциональными возможностями, а также совершенствование систем контроля и управления, обеспечивающих бесперебойное электроснабжение.

В нашей республике особое внимание уделяется мероприятиям по совершенствованию энергосберегающих технологий и технических средств, повышающих эффективность энергосистем. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в том числе намечены задачи «... активной инвестиционной политики, направленной на повышение конкурентоспособности национальной экономики, ... решение проектов транспортно-коммуникационной и социальной инфраструктуры, ... технической и технологической модернизации производства, ... широкого применения энергосберегающих технологий в производстве».¹ Реализация этих задач, включая разработку новых трансформаторов тока с расширенными функциональными возможностями, автоматическим регулированием диапазона и их математических моделей, совершенствование методов расчета линейных и нелинейных электрических и магнитных цепей являются одной из важных задач.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, намеченных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2017 года ПП - 3238 «О мерах по дальнейшему внедрению современных энергоэффективных и энергосберегающих технологий» от 13 ноября 2017 г. № ПП-3384 «О мерах по ускоренному внедрению автоматизированной системы контроля и учета

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

электрической энергии и природного газа», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 10 марта 2020 г. № ПКМ-136 «О программе локализации производства товаров на внутреннем и внешнем рынках на 2020-2021 годы» и в других нормативных актах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, направленные на решение актуальных вопросов по разработке трансформаторов тока для систем контроля и управления электроснабжением проводятся в ведущих исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе в Istituto Nazionale di Ricerca Metrologica и University of Campania «Luigi Vanvitelli» (Италия), Worcester Polytechnic Institute, Wright State University, University of Michigan и University of California (США), Seoul National University (Южная Корея), University Malaysia Perlis (Малайзия), Forschungslaboratorien der Siemens AG (Германия), Universidade Federal de Campina Grande (Бразилия), University of Manitoba (Канада), Институте электродинамики и Киевском институте автоматики (Украина), Национальном исследовательском университете «МЭИ», Самарском государственном техническом университете, Пензенском государственном университете, Ульяновском государственном техническом университете и Уфимском государственном авиационном техническом университете (Россия), Ташкентском государственном техническом университете и Ташкентском государственном транспортном университете (Узбекистан).

